



ЎЗБЕК ВА РУС ХАЛҚ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРИ ТАБИАТИ

Наимов Элдорбек Илхамбекович

Қўқон Университети Андижон филиали

Ўзбек ва рус филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва муҳим жанрларидан бири бўлган мақолларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Қанотли сўзлар, фразеологик бирикмалар, мақол ва маталларнинг сўзлашув нутқидаги ўрни ҳамда халқнинг ҳаётий тажрибаси, дунёқараши ва маънавий маданиятини акс эттиришдаги аҳамияти ёритилади. Мақолларнинг лўндалик, умумлашма, панд-насихатлилик, образлилик ва ҳукмнинг қатъийлиги каби семантик, структуравий ва функционал белгиларга алоҳида эътибор қаратилади. Мақол ва маталлар ўртасидаги семантик синонимия муаммоси, шунингдек, жамиятнинг тарихий тараққиёти жараёнида мақоллар маъносининг ўзгариши ва кенгайиши масалалари кўриб чиқилади. Шу билан бирга, мақолада “мақол” атамасининг келиб чиқиши, унинг этимологияси ҳамда туркий тиллар ва араб тили анъанасида қўлланилиши хусусида фикр юритилади. Хулосада ўзбек халқ мақолларининг халқ донишмандлиги, маънавий мероси ва тарбиявий аҳамиятини ифодаловчи бадиий-эстетик қадриятининг бардавомлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: ўзбек фольклори, мақол, матал, паремиология, халқ оғзаки ижоди, қанотли сўзлар, фразеологик бирикмалар, семантик синонимия, халқ донишмандлиги, этимология, маънавий маданият, халқ дунёқараши.



Аннотация

В статье рассматриваются особенности пословиц как одного из древнейших и наиболее значимых жанров узбекского устного народного творчества. Анализируется роль крылатых выражений, фразеологических единиц, пословиц и поговорок в разговорной речи и их значение в отражении жизненного опыта, мировоззрения и духовной культуры народа. Особое внимание уделяется семантическим, структурным и функциональным признакам пословиц, таким как лаконичность, обобщённость, назидательность, образность и категоричность суждений. Освещается проблема семантической синонимии между пословицами и поговорками, а также изменение и расширение значений пословиц в процессе исторического развития общества. В статье также затрагиваются вопросы происхождения термина «мақол», его этимология и употребление в тюркских языках и арабской языковой традиции. Делается вывод о непреходящей художественно-эстетической и воспитательной ценности узбекских пословиц как отражения коллективной мудрости и духовного наследия народа.

Ключевые слова: узбекский фольклор, пословица, поговорка, паремиология, устное народное творчество, крылатые слова, фразеологические единицы, семантическая синонимия, народная мудрость, этимология, духовная культура, мировоззрение народа.

ANNOTATION

The article examines the specific features of proverbs as one of the most ancient and significant genres of Uzbek oral folk creativity. It analyzes the role of winged expressions, phraseological units, proverbs, and sayings in colloquial speech, as well as their importance in reflecting the life experience,



worldview, and spiritual culture of the people. Particular attention is paid to the semantic, structural, and functional characteristics of proverbs, such as conciseness, generalization, didacticism, imagery, and categorical judgment. The article addresses the issue of semantic synonymy between proverbs and sayings, as well as the transformation and expansion of proverb meanings in the course of historical development of society. It also discusses the origin of the term *maqol*, its etymology, and its usage in Turkic languages and the Arabic linguistic tradition. The conclusion emphasizes the enduring artistic, aesthetic, and educational value of Uzbek proverbs as a reflection of collective wisdom and the spiritual heritage of the people.

Keywords: Uzbek folklore, proverb, saying, paremiology, oral folk creativity, winged expressions, phraseological units, semantic synonymy, folk wisdom, etymology, spiritual culture, worldview of the people.

Халқ сўзлашув нутқида қанотли сўзлар, фразиологик бирикмалар ва мақоллардан кенг фойдаланиб келинади. Халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан саналган мақол ва маталлар азалдан инсонларнинг ҳаётий тажрибаси, донишмандлиги ва ақл-идрокининг ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилиб келган. Ушбу жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш халқнинг маънавий оламини, маданиятини ва дунёқарашини англашда муҳим аҳамиятга эга. Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари асосида бирор нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги лўнда, пишиқ ва мухтасар хулосаларни ифодалайди. Мақолларда уқтириш, насиҳат етакчилик қилади. Баъзи мақоллар қатъий ҳукмдан иборат бўлади (*Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда!*). Бу ерда фикр аниқ, тугал ва ҳукм қатъий. Агар ер ҳайдаш лозим бўлса, уни фақат кузда ҳайдаш шарт. Бошқа фаслларда ҳайдалган ер унумдорлиги паст бўлади. Худди шундай фикрда ҳукмнинг қатъийлигини (*Етми*



ўлчаб бир кес!) мақолида кўришимиз мумкин. Ҳар бир мақолдан келиб чиқадиган хулоса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Мақол – ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап”¹,– деган изоҳ берилган. Халқ ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарашининг ўзгариши билан мақолларнинг вариантлари шаклланади ёки бутунлай янги мақоллар пайдо бўлади. (масалан, “*Олим бўлсанг олам сеники*” каби), баъзан эски мақоллар истеъмоли чекланиши мумкин (*Қулнинг армони бир қочмоқ*) сингари. Шунини алоҳида лозимки, донишманд халқимизнинг паремиологик мероси ҳеч қачон ўзининг мазмуни ва бадиий-эстетик аҳамиятини йўқотмайди. Мақолларнинг истеъмоли чекланиши жамиятдаги сиёсий ижтимоий ҳодисаларга боғлиқ. Қулдорлик замонида шаклланган мақол кейинги жамият формацияларида кўпам қўлланавермайди. Энди қулнинг армони бир қочмоқ эканлиги билан кишиларнинг эҳтиёжи ошиб борган нарсани тезроқ олишга ёки ўша мақсадга эришишга интилишини ифодалашга қаратилган маъно акс этган. Демак, мақолларнинг яратилиш давридаги маъноси билан кейинги замонларда англатадиган маъноси ўртасида фарқ бўларкан. Юқоридаги мақолда ҳар қандай қулнинг буюк орзуси бу унинг озод бўлишидир деган маъно ифодаланган бўлса бу мақолнинг илк маъноси кейинчалик “*Қулнинг армони бир қочмоқ*” мақоли нутқда сўзловчининг фикрини тўлдириш, исботлаш мақсадида қўлланган қўшимча компонент сифатида ҳам ўзга ташланади. Аммо халқ мақоли сифатида ўз умрини давом эттирар экан, ўзига янги маънолар кашф этаборади. Энди одамлар оқибатидан қатий назар қайсидир ҳаракатни бажаришига образли ифода сифатида ушбу мақол қўлланила бошлаган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 томлик, Т.И. – М.: Русский язык, 1982. – Б.456.



Ўзбек халқ мақолларида қатъий ҳукмга эга бўлган маъно баъзан маталларга ҳам кўчган. Масалан, “*Ўлар ҳукиз болтадан тоймас*” ички эҳтиёжини қондириш учун оқибатинидан қатъий назар бажариладиган хатти ҳаракат эгасига нисбатан қўлланиладиган бу мааталда “*Қулнинг армони бир қочмоқ*” мақоли билан семантик синонимия ҳодисаси учрайди. Ҳар икки матн бир маънони англатади. Демак, мақолларда семантик синонимия ёки нутқий маънодошлик мавжуд бўлади. Худди шундай маталларда ҳам бу ҳодиса кузатилади. Бироқ, семантик синонимия ҳодисаси ҳам халқ мақоллари матнининг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади.

Фольклоршунос М.Темирова тўғри кўрсатиб ўтганидек: “Мақоллар қайси мавзуда яратилмасин, ҳамиша умумлашма маъно касб этади. Яъни бу жанрга мансуб намуналар реал ҳаётнинг образли инъикоси, турфа ҳаётий ҳодисаларга эстетик муносабат ва баҳонинг бадиий ифодасидир”².

Мақол қадимги туркийлар фольклорида “оталар сўзи” деб номланган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида سَافُ “saw” сўзи берилган. سَافُدا مۇندَغ كَلرُ sawда мундағ кэлир – яъни “оталар сўзи”да мундоқ келади”³. Олимнинг тушунтиришича, “saw” сўзи туркий тилда бирдан ортиқ маънода қўлланган. Булар: سَافُ saw - қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш. سَافُ saw - ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш. سَافُ saw – рисола, хат, кичик китобча. سَافُ saw – сўз, нутқ. سَافُ saw – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи. Кўринадикки, سَافُ saw барча маъноларида бир хил ахборотни етказиши етакчилиқ қиладиган оғзаки ижодга хос бўлган тушунча. Устозларимиз

² Темирова М.А. Ўзбек ва қирғиз мақоллари типологияси. Филол.фан.бўйича фалсафа докт. PhD диссертацияси.... – Б. 16.

³ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.168-169.



бу атамани “оталар сўзи” деб таржима қиладилар. Аслида saw мантиқан “оталар сўзи”нинг эквиваленти.

Туркий халқлардан усмонли туркларда ҳам мақол жанри атамаси “**Atasözü**” шаклида ифодаланган ва бугунги кунда ҳам “**Atasözü**” тарзида истеъмолда⁴. “Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат”да: мақол - **maqäl - ata sözü** - оталар сўзи деб изоҳланади⁵. Демак “**мақол**” атамаси туркий сўз бўлмасдан балки, араб тилидан ўзбек тилига ўзлашгандир.

Маълумки, мақол – халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири бўлиб, кўп йиллик ҳаётий тажриба, ижтимоий муносабатлар ва ахлоқий меъёрлар асосида шаклланган, лўнда, пухта ва ҳикматли фикрни ифодаловчи иборадир. Мақоллар одатда кўчма маънога эга бўлиб, турли ҳолатларда қўлланилиши мумкин. Мақоллар структурал ва функционал жиҳатдан бир бирига яқинжанрлар матал ва топишмоқларга яқин туради, бироқ мустақил фольклор жанри сифатида улардан фарқ қилади. Бу жанрларнинг ҳар бирини ўзига хосликлари мавжуд.

Мақолнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратсак:

а) **ҳикматлилиқ**: Мақоллар ҳаётий тажрибадан келиб чиққан доно фикрларни ўз ичига олади.

б) **лўндалиқ**: Мақоллар қисқа ва тушунарли шаклда ифодаланади.

с) **умумлашма**: Мақоллар муайян ҳолатга эмас, балки умумий ҳаётий вазиятларга нисбатан қўлланилади.

д) **кўчма маъно**: Мақоллар кўпинча кўчма маънога эга бўлиб, турли ҳолатларда рамзий маънони англатади.

е) **Тарбиявий аҳамият**: Мақоллар ёш авлодни тарбиялаш, уларга ахлоқий қадриятларни сингдиришда муҳим роль ўйнайди.

⁴ Ўзбек ва турк мақоллари, иборалари. И.Йўлдошев, Т.Ўзтурк, Ю.Ўзтурк. – Тошкент., 1998. – Б. 86.

⁵ Бердақ Ю. Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б. 261.



ж) **Хукмлилик:** Мақолларда билдирилган фикр моҳиятида қатъий хукм, ундов етакчилик қилади.

Мисоллар:

“Олим бўлсанг, олам сеники.”

“Яхшидан ёмон чиқса куйинма у ҳам наслига торгай,

Ёмондан яхши чиқса суюнма у ҳам наслига тортгай.”

“Меҳнат – бахт келтирар, дангасалик – дард келтирар.”

“Хунар, хунардан ризқинг унар.”

Мақол ва маталлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос ва қадимий жанрлари бўлиб, улар халқнинг донишмандлиги, ақл-идроки ва ҳаётий тажрибасининг ёрқин ифодасидир. Гарчи уларнинг ўртасида ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлса-да, мазмун, шакл, вазифа ва қўлланилиш соҳаларига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Мазкур жанрларни чуқур ўрганиш халқнинг маънавий оламини, маданиятини ва дунёқарашини англашда муҳим аҳамиятга эга.

“Мақол” сўзи ўзбек тилида кенг қўлланиладиган ва халқ оғзаки ижодининг муҳим жанрларидан бирини ифодаловчи атамадир. Ушбу сўзнинг келиб чиқиши (этимологияси)ни ўрганиш ўзбек тилининг тарихий тараққиётини ва халқнинг маънавий меросини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. “Мақол” сўзининг этимологияси туркий тиллар оиласига мансублиги ва араб тилидан ўзлашган сўзлар билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

1. **Туркий илдиз:** “Мақол” сўзининг туркий тиллардаги “айтмоқ”, “демоқ” феъллари билан боғлиқлиги тахмин қилинади. Бу талқинга кўра, “мақол” – *бу айтилган, халқ орасида юрадиган гап, сўз* – деган маънони англатади. Туркий тиллардаги “-қол” қўшимчаси ўтган замон маъносини англатиши мумкин, яъни “мақол” – бу ўтмишдан қолган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган сўз.



2. **Арабча таъсир:** “Мақол” сўзи араб тилидаги “قول” (қавл) сўзидан ўзлашган бўлиши мумкин. “Қавл” сўзи “гап”, “сўз”, “ибора” каби маъноларни англатади. Ўзбек тилига араб тилидан кўплаб сўзлар ўзлашганлиги сабабли, “мақол” сўзи ҳам айнан шу йўл билан кириб келган. Бу ҳолатда сўзнинг маъноси ўзгармаган ҳолда тилимизга мослашган.

“Мақол” сўзининг этимологияси тўлиқ аниқланмаган бўлса-да, унинг туркий тиллар ва араб тили билан боғлиқлиги эҳтимоли юқори. Ушбу сўзнинг туркий илдизи “айтмоқ” феъли билан боғлиқ бўлса, арабча манбаси “қавл” сўзи билан алоқадор. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сўзнинг маъноси “айтилган сўз”, “халқ оғзида юрадиган гап” каби маъноларни англатади. “Мақол” сўзининг этимологиясини янада чуқурроқ ўрганиш ўзбек тилининг тарихий луғат таркибини ва халқнинг маънавий меросини англашда муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Хуллас, Мақол – ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап. Мақоллар мантиғида ундаш, таклиф қилиш маъноларини ифодаловчи таг маъно, тингловчини ҳали содир бўлиши кутилаётган воқеа борасида огоҳлантиришга қаратилган ундаш, муайян масала юзасидан қатъий ҳукм ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахматов Й. Мақол ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги эволюцияси. Филол.фан докт.дисс. – Тошкент, 2022. – Б.24.
2. Bolte, Johannes, Polívka, Jirí, Anmerkungen zu den Kinder- und Hausmärchen der Brüder Grimm - 01. Der Froschkönig oder der eiserne Heinrich. 1856/ <http://www.lexikus.de/bibliothek>
3. Seiler F. Deutsche Sprichwörterkunde. – München: Beck, 1922.



4. Даль В. Пословицы русского народа. – Москва: Университетский типография, 1862.– 616 с.
5. Пермяков, Г.Л. От поговорки до сказки (*Заметки по общей теории клише*). – М.: Наука, 1970. – 243 с.
6. Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки. – М., 1970. – С. 8
7. Остроумов Н.П. Пословицы и загадки сартов. Этнографические материалы, вып. III. –Ташкент, 1895. – 188 с.
8. Лихачёв Д.С. Русская культура. – СПб.: Искусство-СПБ, 2000.
9. Фелицына В. П., Прохоров Ю. Е. Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения:лингвострановедческий словарь. – М.: Русский язык, 1979. – 240 с.
- 10.Телия В. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты” – Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1996.– 288 с.
- 11.Будаев, Ц. Б. Словарь русско-бурятских адекватных пословиц и поговорок / Ц. Б. Будаев. – Улан-Удэ: Бурят.кн. изд-во, 1959 – 178 с.
- 12.Балдаев, Сергей Петрович. - Избранное [Текст]. - Улан-Удэ : Бурят. кн. изд-во, 1961. - 256 с.
- 13.Рахмон Б. Оталар сўзи. – Хива 1924.